

БРОЙЛЕР ЖЎЖАЛАРИНИ БИОЛОГИК ФАОЛ ҚЎШИМЧАЛАР БИЛАН ОЗИҚЛАНТИРИШ ОРҚАЛИ СИФАТЛИ ПАРРАНДА ГЎШТИ ЕТИШТИРИШ ОМИЛЛАРИ

Тўлаганова Зилола Камолиддин қизи

*Чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот институти, илмий кадрлар
билан ишлаш бўлими бошлиғи, қ.х.ф.б.ф.д. (PhD).*

Ахмедова Захро Рахматовна

ЎзР ФА Микробиология институти лаборатория мудир, б.ф.д. профессор.

Абдугафоров Нуриддин Турсунбой угли

Волгоградский государственный аграрный университет талабаси.

ИНФОРМАЦИЯ О СТАТЬЕ

АННОТАЦИЯ:

ИСТОРИЯ СТАТЬИ:

Received: 27.10.2025

Revised: 28.10.2025

Accepted: 29.10.2025

КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА:

*бройлер жўжалар, озуқа
меъёри, рацион, анағанавий
озуқа, озуқавий фаол
биологик қўшимча, омукта
ем таркиби, фермент,
витами́н, хазмланиш
даражаси.*

*Мақолада жўжаларни боқишда анағанавий
ва нопатоген замбуруғлар асосида
микробиологик усулда тайёрланган озуқавий
фаол қўшимчалар, биологик фаол
моддалардан фойдаланиш бўйича олиб
борилаётган изланишлар тўғрисида
маълумотлар келтирилган.*

Кириш

Паррандачилик чорвачиликнинг гушт ва тухум каби кундалик энг зарур озуқа маҳсулотларини тайёрлаш бўйича тез етилувчан соҳаларидан бири эканлиги ҳозирги кунда кўп бора ўз тасдиғини топиб келмоқда. Сўнгги йилларда аҳолининг сони кескин ошиб бориши натижасида сифатли ва арзон чорвачилик маҳсулотларига

бўлган талаб тобора ортиб бормоқда. Шу боис аҳолининг гўшт ва оксилга бўлган юқори талабини паррандачилик гўшт ва тухум маҳсулотлари орқали қондириш муҳим аҳамиятга эгадир. Бу борада паррандачилик соҳасини янада ривожлантириш учун зотдор ва семахсул парранда зотлари, сифатли ва тўйимлилиқ жихатдан балансланган емлар, оксил, витаминларга бой табиий қўшимчалар ишлатиш, илм-фан ютуқлари ва замонавий инновацион технологиялардан фойдаланиш, такомиллашган янги илмий изланишлар олиб бориш ута муҳимдир.

Шуни таъкидлаш лозимки, ҳозирда Республикамизда мавжуд паррандалар сони 72 млн дан ортиқ бўлиб, уларни парваришлар, касалликлардан химоя қилиш ва сифатли маҳсулот етиштириш учун энг аввало уларни таъминлаш озуқа базасини мустаҳкамлаш зарурдир.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда мазкур мақолада паррандаларни боқишда озуқавий тўйимлилиги юқори, сифатли ва кам харж озуқа емларидан фойдаланиш аҳамияти ва бройлер жўжаларни озиклантириш бўйича тажриба натижалари келтирилган.

Озуқавий моддалар ва қўшимчалар рацион таркибига кирувчи асосий моддалардан иборат бўлиб, оксиллар, ферментлар, витаминлар (сувда ва ёғда эрувчи), микроэлементлар, аминикислоталар, антиоксидантлар ва каротиноидлар (тухум сариғи) ҳисобланади. Рацион таркибига кирувчи зарур бўлган асосий озуқа қўшимчалари миқдорлари паррандалар ёши ва йуналишига (гушт, тухум ва насл берувчи) ўзгариши ва бир-бирларини қоплаши мумкин, шу билан бирга озуқанинг тўйимлилиги сақланиб қолиши зарур.

1-жадвал

Бройлер жўжаларни боқиш давларида рацион таркибига кирувчи асосий озуқа моддалар меъёри (%) ва 100 грамм озуқа таркибий энергия алмашинуви куввати (ОЭ)

Моддалар номи	Бройлерлар (1- 4 кунлик)	Бройлерлар (1- 4 ҳафталик)	Бройлерлар (5 ҳафтадан юқори)
100 грамм озуқанинг энергия алмашинуви	310	310	315

(ОЭ), ккал			
Оқсил (хом протеин)	18,0	22,0	19,0
Клетчатка (бириктирувчи тўқима учун)	2,9	4,5	4,5
Лизин	0,95	1,15	1,05
Метионин	0,31	0,48	0,44
Цистин	0,25	0,28	0,32
Триптофан	0,21	0,23	0,21
Аргинин	0,97	1,25	1,14
Гистидин	0	0,48	0,44
Лейцин	0	1,61	1,47
Изолейцин	0	0,88	0,80
Фенилаланин	0	0,80	0,74
Тирозин	0	0,69	0,43
Треонин	0	0,80	0,74
Валин	0	0,98	0,89
Глицин	0	1,04	0,95
Са (кальций)	0,25	1,00	0,90
Р (фосфор)	0,47	0,80	0,70
На (натрий)	0,18	0,3	0,3
Жами:	25,14	37,56	34,45

1-жадвалда келтирилган маълумотларга кура, энг асосий озука элементи булиб энг аввало оксил ва унинг микдори, сунгра клетчатка (целлюлоза, пектин, гемицеллюлоза, ксилан каби донли экинлар хужайра қобиғи моддалари - полисахаридлар) ва лизин, аргинин аминокислоталари ташкил қилиб. Уларнинг микдорлари 1-4 ҳафталикда ортиб, 5-ҳафатадан юқори, яъни 35 кундан ошгандан сунг биров (3-4 %) камайтирилади. 7-28 кунлик боқиш даврида айрим аминокислоталар қушилади ҳамда кальций микдори 4-баробарга, клетчатка, фосфор, натрий микдорлари эса 1,7-2 баробарга ортиб боради. Озиқавий моддалар

сонларининг ва микдорларининг ортиб боришига қарамадан, энергетик баланснинг бир хил микдорда қолиши, 310-315 ккал таъминланиши лозим.

Тез суръатларда ва сифатли гушт тайёрлаш учун жужалар озуқа рацион таркибида ёгда ва сувда эрувчи витаминларнинг ахамияти жуда катта бўлиб, уларнинг микдорлари жужалар ёшига қараб, балансланган ва ушба микдорлар доимий бўлиб, витаминлар ёки уларни сакловчи табиий мооддалар билан таъминланиши лозим (2-жадвал).

2-жадвал

**Бройлер жўжаларни боқишда витаминларга бўлган мейъорий талаби
ХБ/тонна ем (халқаро бирлик) ва учун грамм/тонна ем ҳисобида**

	Витаминлар номи	Бройлерлар (1-4 кунлик)	Бройлерлар (1-4 ҳафталик)	Бройлерлар (5 ҳафтадан юқори)
	А – ретинол (Халқаро бирлик, млн/тонна ем учун)	10,0	10,0	7,0
	D ₃ -холекальциферол (Халқаро бирлик, млн /тонна ем учун)	1,5	1,5	1,0
	Е – токоферол (Халқаро бирлик, млн/тонна ем учун)	10,0	10,0	5,0
	К (2-метил-1,4- нафтохинон).	2	2	1
	В ₁ - тиамин	2	2	1
	В ₂ -рибофлавин	3	3	3
	В ₃ – витамин РР	10	10	10
	В ₄ (Холин)	500	500	500
	В ₅ -пантотен кислотаси	30	30	20
0	В ₆ -пиридоксин	3	3	3
	В8- Инозит	0,5	0,5	0,5

1				
2	В ₁₂ -кобаламин	0,025	0,025	0,025
3	Вит-Н ёки В7 (биотин)	0,1	0,1	0
4	Вит С-аскорбин кислотаси	50	50	50

Жўжаларни боқиш учун ёгда эрувчи (А,Д,Е,К) витаминлардан А,Д, Е микдорлари 1 тонна озука еми учун миллион Халқаро бирлик мейёрларида қўшилади, витамин эса улардан фаркли ўлароқ, граммлар ҳисобида ем таркибига киритилади.

Юкорида келтирилган озука ва физиологик фаол моддалар каторида бройлер жўжаларнинг биринчи 4 кунлигида уларни озиклантиришда енгил ҳазм бўладиган озука аралашмаларидан фойдаланиш мумкин. Бунда, куруқ сут маҳсулотлари, маккажўхори ва буғдой ёрмалари, соя шроти, витамин, минералли қўшимчалари белгиланган микдорларда ва премикслар шулар жумласидандир (3-жадвал).

3-жадвал

1-4 кунлик бройлер жўжаларга амалиётда тавсия қилинадиган озука рациони

Ташкилий компонентлар	Микдорлари, (%)
Буғдой ёрмаси	35
Маккажўхори ёрмаси	35
Соя кунжараси	25
Куруқ сут	5
Витамин-минералли премикс	0,1
ЖАМИ:	100,1

Ушбу рацион рецептураси айниқса хонадон шапроитларида парранда боқиш учун қулай бўлиб, уларни кейинги боскичларда тулдириб бориш мумкин.

Бройлер жўжаларини тўғри озиқлантириш даражасини баҳолашда уларнинг усиш тезлиги (масса ортиши) билан бир каторда морфологик ва физиологик кўрсаткичларига эътибор берилади. Уларнинг жадал суръатларда ўсиши, суяк тўқималарининг яхши ривожланганлиги, оёқларида қувватсизлик ҳолатларининг йўқлиги, соғломлиги, ҳаракатчанлиги, иштахаси, тож ва патларнинг куриниши, ранги ва бошқалар киради.

Гушт йуналиши бройлер жужаларнинг ўсиши энг аввало оксил ва оксил сакловчи моддаларга бевосита боғлиқ бўлиб, бунинг учун улар рационига юқори биологик тўйимлик хусусиятига эга оксил моддалар сакловчи озуқаларни албатта киритиш лозимдир. Оксил моддалари асосий манбалари булиб, ҳайвон ва ўсимликликлардан олинадиган озуқа қўшимчалари ташкил этади. Омукта ем таркибидаги “Хом оксил”нинг 20-25 % ҳайвонларга оид озуқаларга тегишли оксиллар ташкил этиши лозим.

Бройлер жўжалари рационидagi озуқалар таркибига кирувчи протеин миқдорини ҳайвон маҳсулотлари (балиқ уни, гўшт-суяк уни, куруқ сут маҳсулотлари) ва усимлик (соя ва кунгабоқар) кунжаралари бўлган озуқалар ҳамда озуқа хамиртурушлари билан тўлдириш мумкин (4-жадвал). Бройлер жўжаларининг гўштидан балиқ хиди келмаслиги учун, балиқ уни бокиш муддатининг охириги 10 кунлик даврида озуқа рационидан чиқарилади.

4-жадвал

Хонадонда бокишга мўлжалланган бройлер жўжалар учун анаъанавий озуқа рационини наъмунаси (% ҳисобида)

Озуқа таркиби	Жўжалар ёши, ҳафталик	
	1-4	5 ва ундан юқори
Буғдой дони ёрмаси	35	37
Маккажўхори дони ёрмаси	25	20
Соя кунжараси	23	20
Кунгабоқар кунжараси	5	10
Балиқ уни (майдаланган)	5	2
Озуқа хамиртуруиши	3	5
Минерал моддалар	1	1

Ўсимлик ёғи (липидлар, мойлар)	3	5
Витамин-минералли премикс	0,1	0,1
Жами:	100,1	100,1

Ушбу микдорлар жужалар бокилишининг энг дастлабкаи боскичларида белгиланган энергетик кувватни албатта саклаб ва 310-315 ккал билан таъминлаб бериши даркор.

Рациондаги эндастлабки кун ва ҳафталарда етишмовчилигини (310 ккал), яъни 5 ккал етишмовчилигини 3-5 фоиз ўсимлик мойларини қўшиш билан қоплаш мумкин. Мойларни жўжалар ёши 1 кунликдан бошлаб 2-3 фоиз, 4 ҳафталикдан бошлаб 4-5 фоиз рационга қўшиш тавсия этилади.

Шундай қилиб, мазкур ишда гушт етиштириш йуналишига мулжалланган жужаларни бокишнинг турли хил рецептуралари яратилиб, уларнинг таркибини такомиллаштириш ишлари орқали, айниқса фермент, оксил, аминокислоталар, витаминларни микроорганизмлар, хусусан ачиткилардан тайёрлаш мақсадга мувофиқдир.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, озука таркибидаги моддаларни хазмланиши, сурилиши ва моддалар алмашинуви яхшилаш ва ҳосил бўлаётган энергиядан ҳамда протеиндан юқори самарали фойдаланиш мақсадида бройлер жужалари рационига таркибига биологик фаол моддалар, хусусан гидролитик таъсирга эга целлюлаза, ксиланаза, протеаза каби ферментлар, микробиологик оксил, витаминларни қўшиш яхши натижалар беради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Калашников А.П. «Нормы и рационы кормления сельскохозяйственных животных». Москва 1985 г.
2. Ҳамрокулов Р., Карибаев К. “Қишлоқ хўжалик ҳайвонларини озқлантириш”. Т., 1999 й.
3. Раҳматуллаев П.Э., Нормухамедов Х.И. “Бройлер жўжаларини етиштириш бўйича тавсиялар” Т., 2013 й.
4. Рўзиев Р.И., Раҳматуллаев П.Э. ва бошқалар “Парранда боқиш бўйича қўлланма” Т., 2017 й.

